



ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАРНИНГ ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИГИГА ҚАРШИ СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Р.Б.Игамбердиев

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Қорақалпоқ академик
лицейи директори, подполковник

Т.Х.Курамбаев.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Киберҳуқуқ
кафедраси бошлиғи, ю.ф.б.ф.д. (PhD), доцент, подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18544877>

ARTICLE INFO

Received: 31st January 2026

Accepted: 5th February 2026

Published: 9th February 2026

KEYWORDS

вояга етмаганлар,
жинсий эркинлик, жинсий
жиноятлар, тергов,
жабрланувчи, психолог, сўроқ
қилиш, жинсий жиноятлар.

ABSTRACT

*Мақолада вояга етмаган шахсларга қарши
жинсий жиноятларни тергов қилишнинг назарий
ва амалиёт жиҳатлари таҳлил қилиниб, ҳуқуқни
қўллаш амалиёти ва қонунчиликдаги коллизион
ҳолатлар батафсил очиб берган ҳамда уларни
бартараф этишга қаратилган асосий таклиф ва
тавсиялар ишлаб чиқилган.*

Кириш

Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, хусусан уларнинг жинсий эркинлиги ва дахлсизлигини муҳофаза қилиш ҳар қандай ҳуқуқий давлатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жинсий жиноятлар нафақат вояга етмаган шахс (бола)нинг руҳий ва жисмоний ривожланишига таъсир қилади, балки узоқ муддатли ижтимоий оқибатларга ҳам олиб келади. Шунингдек, бу жиноятлар оила ва жамиятдаги муносабатларга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда вояга етмаганларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини давлат томонидан кафолатлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда [1]. Бироқ, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, хусусан тергов жараёнларида бола психологиясини инобатга олиш ва ишончга сазовор далилларни тўплашда ҳануз тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистонда 2020–2025 йиллар давомида вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этилган жиноятлар статистикаси таҳлил қилинганида, ҳар йили 500–600 ҳолат рўйхатга олинди, уларнинг 60–70% яширин муҳитда содир этилаётганлиги маълум бўлди. Кўп ҳолларда жиноят содир этувчи жабрланувчига яқин шахс бўлганлиги боис, қиз бола қўрқув ва уят ҳисси туфайли жиноят ҳақида кеч хабар беради. Бу ҳолатлар тергов жараёнида қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Жиноятларнинг ижтимоий ва психологик таъсири ҳам кенг тадқиқ этилган. Боланинг руҳий травма олиши, мактабда ижтимоий интеграцияда қийинчилик, оилада низолар ва жамиятга мослашувда қийинчиликлар кузатилади. Шунингдек, жабрланувчининг оиласидаги психологик ҳолат ҳам тергов самарадорлигига таъсир қилади. Психологик ёрдамнинг етишмаслиги болада қайта травматизацияга олиб келади ва далилларнинг самарали тўпланишини қийинлаштиради [2].

Вояга етмаган шахсларнинг жинсий эркинлигига қарши содир этилаётган жиноятларни тергов қилишда учраётган тизимли муаммолар қуйидагилар:

1. Терговчиларнинг вояга етмаганлар психологияси тўғрисида етарли даражада билимга эга эмаслиги.

Терговчи вояга етмаган шахс билан тегишли тергов ҳаракатлари (сўроқ қилиш, юзлаштириш, экспертиза тайинлаш ва ҳ.к.)ни ўтказишда унинг ёш хусусиятлари ва руҳий ҳолатини инобатга олмаса, кўзланган натижага эришиб бўлмайди – далиллар сифатли тўпланмайди [3].

2. Жабрланувчини қайта-қайта сўроқ қилиш.

Бу вояга етмаган шахсга иккинчи даражали руҳий шикаст етказиши ва тергов самарадорлигини пасайишига олиб келиши мумкин.

3. Психолог ва педагогларни жалб этишни тизимли йўлга қўйилмаганлиги.

Вояга етмаган шахс билан тергов ҳаракатларини ўтказишда уни руҳий ва маънавий томондан қўллаб турмаслик, сўроқ қилиш, юзлаштириш ва бошқа процессуал ҳаракатларнинг натижадорлиги йўқолишига, шу билан бирга вояга етмаган шахс ўзини хавфсиз ҳис қилмаслигига олиб келиши мумкин.

4. Тегишли экспертизаларнинг кеч тайинланиши.

Суд-тиббий, суд-биологик, суд-криминалистик техник ва шу каби экспертизаларнинг ўз вақтида тайинланмаслиги, далилларнинг йўқолиши, шахснинг айбини исботлаш билан боғлиқ ҳолатларнинг кечикишига олиб келиши мумкин [4].

5. Идоралараро ҳамкорликнинг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги

Ушбу турдаги жиноятлар тергов идоралари асосан тезкор-қидирув ходимлари, профилактика инспектори ва бошқа соҳавий хизматлар билан етарли ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги.

Бу муаммоларни бартараф этиш учун илмий-амалий тавсиялар:

1. Ихтисослашган терговчилар тайёрлаш ва уларнинг малакасини мунтазам ошириш;
 2. Малакали психолог ва педагогларнинг барча процессуал ҳаракатларда иштирокини таъминлаш;
 3. Сўроқ қилиш, юзлаштириш ва таниб олиш учун кўрсатиш каби муҳим тергов ҳаракатларини аудио ва видеоёзувлар орқали қайд этиш;
 4. Суд-экспертизаларини ўз вақтида тайинлаш ва натижаларини тезкор баҳо бериш, бунда мазкур соҳада сўнги ютуқлардан фойдаланиш;
 5. Идоралараро ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш ва қонунчилик билан мувофиқлаштириш;
- Халқаро тажрибани ҳисобга олиш: БМТ ва Европа давлатларидаги методологияларни қўллаш;

Профилактика чоралари ва тарғибот фаолиятини кенгайтириш.

Шунингдек, халқаро тажриба шуни кўрсатадики, Европа ва БМТ мамлакатларида вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этиладиган жиноятларни тергов қилишда махсус марказлар ташкил этилган. Ушбу марказларда психологлар, педагоглар ва ихтисослашган терговчилар биргаликда ишлайди, бу вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ва далилларни сифатли тўплаш имконини беради. Ўзбекистонда ҳам шунга ўхшаш тизимни ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу орқали болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш [5], жиноятларни тезкор фош этиш ва тергов самарадорлигини ошириш мумкин.

Қўшимча равишда, тергов жараёнида эксперт фикрлари, психологик тестлар ва аудио-видео техникадан фойдаланиш, вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада самарали қилади [6]. Терговчилар учун методик қўлланмалар ва ўқув семинарлари ташкил этиш ҳам муҳим.

Профилактика чоралари:

Мактабларда тарғибот ва маърифий ишлар;

Ота-оналарни ҳуқуқий ва психологик жиҳатдан огоҳлантириш;

Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари орқали хабар берувчи механизмларини йўлга қўйиш;

Жамоат ташкилотлари ва волонтерлар орқали психологик қўллаб-қувватлаш.

Тергов амалиётида қўлланиладиган психологик методлар:

Боланинг сўроқ қилишнинг замонавий усулларида фойдаланиш;

Вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган жиноятларни тергов қилишда ахборот технология воситаларида фойдаланиш;

Ижобий мотивация ва тушунтириш орқали ишончни ошириш;

Кичик ҳодисалардан ҳам маълумот тўплаш орқали тўлиқ маълумот олиш;

Экспертлар билан биргаликда сўроқ жараёнини бошқариш.

Шунингдек, **илмий таҳлил ва тажрибалар асосида қуйидагилар тавсия этилади:**

Терговчилар ва психологлар учун ихтисослашган ўқув дастурлари;

Махсус дастурлар орқали болаларнинг ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш механизмларини кенг тарғиб қилиш;

Халқаро ҳамкорлик орқали илмий тадқиқотлар ва методологияларни жорий қилиш [7].

Ушбу чоралар натижасида вояга етмаган шахсларга нисбатан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш ва тергов самарадорлигини ошириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 23 октябрдаги ЎРҚ-1092-сон қонуни.
2. Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, “Ўзбекистон илмий маркази”, 2024 й.
3. Криминалистика: дарслик / масъул муҳаррир. – Тошкент, “Фан”, 2023 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Тошкент, “Ҳуқуқ”, “Yuridik adabiyotlar publish”, 2025 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги ЎРҚ-139-сон қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. – Тошкент, “Ўзбекистон”, “Yuridik adabiyotlar publish”, 2025 й.
7. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция. – Нью-Йорк, БМТ, 1989 й.